



ИСОҶОН НИШОНОВ

9

АРАФОН ШАМОЛ

КУЛРАНГ БЎРИЛАР ИЗИДАН



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

АФҒОН ШАМОЛЦ

КУЛРАНГ БЎРИЛАР ИЗИДАН

Тўққизинчи китоб

Тўлдирилган қайта наشري



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2016

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Н – 69

Нишонов, Исоқжон

Афғон шамоли: роман. Кулранг бўрилар изидан. Тўққизинчи китоб. Исоқжон Нишонов. Тўлдирилган қайта нашри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 224 б.

ISBN 978-9943-27-827-1

«Афғон шамоли» асарининг тўққизинчи қисмида туркиялик миллатчи экстремист Баққол томонидан террорчи Хаттоб ёрдамида ташкил этилган «Кулранг бўрилар» номли ажал тўдаси ва унинг кирдикорлари ҳақида сўз боради. Бу тўдага қарши юртнинг асл ўғлони Бўроннинг жасорати, рус асирларининг қутқарилиши, Ватанига нафи тега бошлаган Гафурнинг кўмаги билан Бўроннинг фарзанди Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши, Хаттобнинг йўқ қилиниши ва кўпгина қизиқарли тафсилотларга бой турфа тақдирлар қаламга олинган.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-827-1

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Тўққизинчи китоб. «Наманган», 2013 йил.

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Тўққизинчи китоб. «Янги аср авлоди», 2016 йил.

САМАНГАН

Фафур тошлардан ясалган уйчада танҳо яшарди. Дарчаларидан теварак-атроф бемалол кўзга ташланиб турса-да, пастдан қараганда юқоридаги одам кўринмасди. Бу ердан эса теварак-атроф, шу билан бирга қирликдаги бизга аввалдан таниш бўлган жангарилар лагери кўзга яққол ташланиб турарди. Фафур кундуз кунлари дарча олдига келиб, ёнбошлаганича у ерда бўлаётган ишларни бемалол кузатиб ётарди. Бирок ёлғизлик ҳеч кимнинг дилини хушнуд этмаган. Ҳар қандай одам узоғи билан икки кунда кимсасиз тошлар ичида зерикиши табиий. Бу савдо бошига тушган Фафур ҳам бемор одамдек беҳаловат бўла бошлаганди. Ўйлаган режасини тезроқ бажариб орқага қайтишни хоҳларди. Аслида бу юртга қайтиб келиш унинг тушига ҳам кирмаганди. Ҳаётини сақлаб қолган одамларга нечук даркор бўлиб қолганини энди, тошлар орасида қоронғи осмон бағрига сочилган юлдузларга боқиб ётганида тушуна бошлади. Йўқ, улар ҳеч қачон ўз муродларига ета олмайди. Бийдай саҳрода ёввойи сифат одамлар ичида абадий қолиб кетмайди. У қайтади. Қайноқ ҳаётга ўзини уради, инсонлар орасида инсонга хос яшайди ва меҳнат қилади. Лекин қаерда яшайди? Қаерни Ватан деб билади? Пайванинг ҳузурига қайтадими? Тағин қўлида кўзга кўринмас қонли

килич тутган кимсалар ихтиёрига топширадими ўзини? Бўлди бас, етар. Энди орқага йўл йўқ. Олға қараб қадам босади. Бу йўл уни Ватан сари элтади. Бирок шу ахволда, елкасидаги оғир, моғор босган юклар билан унинг муборак остонасидан ҳатлаб ўта оладими? Ватан қабул қилармикин? Ёпилган эшикларни очиш учун нима қилмоқ лозим? Ундан ўзга макон тинч ҳаёт кечириши, қолган умрини осудаликда ўтказиб фаровон ҳаётда яшаш учун имконият бермайди. Лекин ҳозирги ҳолатда юртга қайтиш уни ҳам руҳан, ҳам маънан азоблайди. Эргашга илакишиб, Ватанга қарши тош отди. Хурлик, бахт ва эрк йўлига тўсиқ бўлди. Тилидан юртимни, элимни соғиндим деган сўз чиққан не-не йигитларни жазолади. Уларнинг айримлари тирик, юртга қочиб кетганлари ҳам анчагина. Унинг бу ўлкада туриб нима ишлар қилганини ҳамқишлоқлари билмаслиги эҳтимолдан узоқ эмас. Гуноҳларини одамлардан яшириши, ўзини оппоқ қилиб кўрсатиши ҳам мумкиндир. Бирок Ватанга қилинган хиёнатни кўкси остида тепиб турган юраги тўхтагандагина унутади. Бир қўшиқ уни тамомила ўзгартириб юборди. Заифлашиб бораётган юрагига қувват ато этди. Юрт меҳрини қалбига жо айлади. Ўлиб бораётган вужудига қувват ато этди. Ўзини ўзига танитди. Бошига тошларни қўйиб, осмонга сочилган юлдузларга термулиб ётганда Ватанни чуқурроқ ва теранроқ англади. Болалик йилларини хотирлади. Қўзлари намланди. Қилган ишларини тарозига солди. Эргашнинг ҳомийлари нима сабабдан унинг ва унга ўхшаган йигитларнинг қўлига тош бериб, юртга оттирганини чуқур тахлил қилди. Улар ким эди, мақсадлари нима эди деган саволга шу тош қулба ичида жавоб излади.

Юртга қайтиш эшикларини Қўлдошали очиб берди. Энди унинг идораси билан ҳамкорлик қилиш керак. Бу унга берилган сўнгги имконият. Юзига чап-

ланган лаънат доғларини ювадиган оби ҳаёт, виждон қийноқларидан, миясига қўрғошиндек қуйилган ўйлардан тозалайдиган малҳам. Топширикни бажариш йўлида қони тўкилса, жони узилса алам қилмайди. Виждонини азоблаётган оғриқлардан қийналмайди, аксинча, роҳат олади. Эзилган юраги фахр-ифтихор нурларидан ёришади. Ватан ўзининг садоқатли фарзандларини асло унутмайди. Агар туғилиб ўсган юртида инсон қадрни баланд бўлмаганида эди, Қўлдошалининг ҳамкасблари келиб жасадини олиб кетишмасди. Бу ерда одамлар Ватанга, халққа эмас, Эргашга, унинг қўлларида пули жаранглаб турган раҳнамоларига хизмат қилишади. Барча нарсани пул билан ўлчашади. Пулинг бўлса иззат икромдасан, ақчанг йўқми, тамом, тупроқ билан тенгсан. Барчанинг фикри ёдини муллажиринг ўғирлаган. Бу улар учун иймон, садоқат! Бироқ Ватан нима деб сўрашса, ҳамёнларидаги олтинларни жаранглатишади. Улар Ватан учун эмас, балки бойлик орттириш мақсадида жанг қилишади, одам ўлдиришади, ҳокимиятга интилишади. Қазо қилганларни эса одамнинг тиззаси баробар ер қазиб, қутурган бўрини кўмгандек кўмиб юборишади. Шу билан у унутилади. Биров эсламайди. На мозори, на қабри бор.

Ватанга қайтишга, қилган гуноҳларини ювишга қарор қилган Ғафурнинг қўлидан телефон тушмасди. Қўнғироқ қилишларини интиқиб кутарди. «Менга ишонишмаяпти» деган хавотир ичини кемирарди. У кундуз кунлари ташқарига чиқмас, тош уйчанинг ичига кириб ухларди. Кечалари илондек ўрмалаб ташқарига чиқар, атрофни айланиб оёғининг чигилини ёзарди. Бадантарбия билан шуғулланарди. Пастак ва энсиз уйча ичидаги ҳаёт унинг қадини букиб, рангини заъфарон ҳолга келтирганди. Озиқ-овқатни тежаб ишлатарди.

Ёмғир савалаб ўтган тунда лагерда тўс-тўполон кўтарилди. Хамма безовталаниб қолди. Бу қандайдир кутилаётган нохуш воқеанинг ҳиди эди. Айримлар Эргашнинг хонасига кириб чиқар, қандайдир одамни ўртага олиб дўппослашарди. Ит эгасини танимасди. Тушдан кейин осойишталик ҳукм сурди. Машинада бегона кимсалар келди ва улар лагерни ўраб олишди. Ўзлари билан озиқ-овқат келтиришган бўлса керак, қозонлар остига олов ёқилди. Маст бўлган жангариларнинг қийқириқлари эшитиларди. Улар туни билан ухлашмади. Эрталаб тагин иккита машина ўттизтача қурулланган одамларни олиб келди. Жангарилар майдонга тўпланди. Милтиқлардан ўқ узишди. Бақириб-чақиринди. Бу келган одамнинг мартабали шахс эканлигини билдирарди. Фафур ўша кимсанинг кимлигини билишга қизиқди. Бироқ масофа олис бўлгани боис унинг кимлигини билолмади. Зиндондан кимнидир олиб чиқиб, ўша мартабали кимсага рўпара қилишди. Унинг қўллари орқасига қайрилган, афтидан, арқон ипда боғлаб ташланганди. Оёқда зўрға қалқиб турарди. Мартабали кимса унга нималардир деди. Бир фурсат ўтиб, банди қорнини чангаллаб, турган жойида айланиб ерга йиқилди. Қорнига пичоқ урганини Фафур узоқдан бўлса-да пайқади. Демак, Эргашнинг қотили у.

Келган одам ким бўлиши мумкин? Бу савол узоқ пайт Фафурнинг бошини қотирди. Кўз олдидан ўтмаган, эсламаган жангарилар қолмади. Лагерга четдан одам олиб келиб қўйишолмайди. Бегонани лагердагилар хуш кўришмайди. Фафур эса олганлар қаторида Мирзааҳмад ҳам бор эди. Бир пайтлар уни Эргашнинг ўрнига қўйиш ҳақида анчагина баҳс кетганидан хабардор эди. Лекин бу ерда унинг қонли қамчисидан озор чеккан қанчадан-қанча йигитлар борлигини эслашиб рад этишганди.

Эртаси куни Дилмурод келди.

– Лагерда нима гаплар?

– Эргашни ўлдиришди.

– Ким ўлдирди?

– Чўтир!

– У тирик эканми?

– Қасос олиш мақсадида форда беркиниб яшаётган экан.

– Ўрнига кимни қўйишди?

– Лашкарбоши Мирзааҳмадни...

– Уни жангарилар ёқтиришмасди, нега қабул қилишди?

– Унинг келишидан аввал лагерга бир мошинда озиқ-овқат, кийим-кечак келтиришди, кейин ҳар бир жангарига минг доллардан пул улашиб чиқишди.

Шундан ҳамма миннатдор.

– Чўтирни нима қилишди?

– Мирзааҳмад уни ҳамманинг кўз ўнгида ўлдирди.

– Бу ишни у одамларни қўрқитиш ва ўзига тобе қилиш мақсадида қилган!

– Кўпчилик шундай фикрда...

– Мирзааҳмад менга тириклай керак. Юзма-юз бўлишни истайман.

– Бунинг сира иложи йўқ. У лагердан чиқмаяпти. Соқчилари ҳам ўзимизники эмас.

– Яқинларини ўрган, гаплаш, лекин шошилма. Яқин орада қаерга боришини билиб берсанг бас.

– Жони керак бўлса снайпер милтиғини топиб бераман!

– У менга тириклай керак!

Дилмурод ўйланиб турди ва бу иш қўлидан келмаслигини фаҳмлади.

– Ваъда беролмайман, аммо яқинлари билан гаплашиб кўраман!

– Фақат тезлат!

– Билиб қўйинг, соқчилар унинг ёлғиз ўзини қўйиб юборишмайди.

– Ташвишланма. Уларнинг чангалидан ажратиб олиш қўлимдан келади.

Дилмурод кетди. Ярим тунда Фафур таваккал қилиб таниш рақамларни терди. Алоқа бўлими қўнғироқни Фафур жўнатаётганини билиб, Маҳмудовга улаб қўйди.

– Салом Фафур, мен полковник Маҳмудовман.

– Ҳурсандман!

– Бизга ишлашингизни таклиф қиламан!

– Бунинг мутлақо иложи йўқ.

– Сабаб?

– Мен тирноғимгача жиноят ботқоғига ботганман. Ифлос балчиқлардан ҳеч ким, ҳатто сизнинг ёрдамингиз ҳам олиб чиқолмайди.

– Агар биз билан ҳамкорлик қилсангиз, Ватан жиноятларингизни кечиради. Бунга сўз бераман.

– Ватан кечиради, аммо виждон-чи? Қандай қилиб унинг қошида ўзимни покман дея оламан!

– Сиз халқингизнинг тинчлиги йўлида хизмат қиласиз!

– Таклифларингизни эшитсам бўладими?

– Рози бўлсангиз, айтаман.

– Таклифларингизни гуноҳимдан кечишингиз мақсадида қабул қилмайман. Менинг ўз режаларим, мақсадларим бор.

– Қандай режа? Балки фикримиз бир жойдан чиқар?

– Бу махфий эмас. Айтишим мумкин. Биринчиси Эргашни ўлдириш эди. Афсуски бунга улгуролмадим.

– Нега?

– Уни ўлдиришди.

– Ўлдиришди?

- Ҳа, икки кун бурун ярим тунда ўлдиришди...
- Бу хабарни кимдан эшитдингиз?
- Лагер ичида одамларим бор, маълумотни ўшалардан олиб тураман. Кейин мен лагерга яқин жойга ўрнашиб олганман. Кўзим билан кузатиб тураман.
- Уни ким ўлдирди?
- Чўтир лақабли жангари хонасида отиб ташлади. Афсуски, уни ҳам ўлдиришди.
- Қотил ким?
- Лашкарбоши Мирзааҳмад.
- Мирзааҳмад? У лагерга қандай қилиб бориб қолди?
- Бу саволга мен ҳам жавоб тополмадим. Назаримда Эргашнинг ўлимини эшитган раҳнамолар уни қаердан олиб келиб, Эргашнинг ўрнига бошлиқ этиб тайинлашди.
- Кейинги режангизни айтинг.
- Мирзааҳмадни қўлингизга топшириш.
- Бу ишингиз учун олдиндан сизга миннатдорчилик билдираман. Лекин бу ўта хатарли. Унга яқинлашиш ҳаётингизга хавф солиши мумкин.
- Бир илтимосим бор...
- Айтинг!
- Телефонимнинг батареяси ўтириб қолаёзди. Сиз билан алоқага чиқолмаслигим мумкин.
- Лагерда яқин одамларингиз борми?
- Бу ишни ўзим уддаласам яхши бўларди.
- Лагердан беш юз метр нарида эски жар бор. Унинг ичига тушасиз. Эллик қадам жануб томон юрасиз. Олдингиздан одамга ўхшаш тош ҳайкалча чиқади. Ҳайкалчанинг остида алоқа воситаси бор. Уни олиб ишлатишингиз мумкин.
- Раҳмат сизга!
- Яна бир илтимосим бор.
- Қулоғим сизда.
- Қодир исмли йигитни танирмидингиз?



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1531> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1531> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1531>